



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TAHLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI.....	76
10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



Гулзода Аъзамовна Алимова,
Қўқон давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Gulzoda A. Alimova. HISTORIOGRAPHY CHARACTERISTICS OF CREATIVITY ALISHER NAVOI. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.11-17

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217926>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келаётган тарихнавислик фаолияти хусусида ёзилган. Мақолада мутафаккирнинг тарихий воқеалар, тарихий шахслар ва тарихий-географик жой номлари дostonларидаги бадий-мажозий талқиндан ташқари бошқа бир қатор асарларида реал тарихий маълумотлар баёнлари берилган бўлиб, бу маълумотлар ҳали чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Мақолада Навоий асарларидаги тарихий воқеаларнинг илоҳий ва дунёвий талқинлари, воқеалар йилномаларининг ноизчиллиги, уларнинг ҳозирги тарихшунослик ва манбашунослик илмидан фарқли жиҳатлари, мусулмон шарки анъаналарига хос манокиб асарлари, биографик хусусиятдаги тарихий маълумотлар, воқеалар тарихи кўп жиҳатдан пайғамбарлар замони, машҳур ҳукмдорлар замонига қийслаб ёзилгани, Навоий давригача тарихий мавзуда ёзилган асарларда кўп баҳсли талқинлар борлиги, воқеалар баёни кўпроқ поэтик тарзда эканлиги каби хусусиятлар таҳлил қилиниб, илмий хулоса берилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, тарих, тарихнавислик, тарихий шахслар, тарихий-биографик маълумотлар, тарихий-географик жой номлари, номлар баёни хусусиятлари

Гулзода Агзамовна Алимова,

Кокандский государственный педагогический институт
старший преподаватель, независимый исследователь

ИСТОРИОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВАИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет об историографической деятельности великого мыслителя Алишера Навои, выходящей за рамки научного исследования. Статья содержит описания реальных исторических данных в ряде других произведений мыслителя, помимо художественно-образной интерпретации исторических событий, исторических личностей и былин историко-географических топонимов, которые еще требуют глубокого научного исследования. Божественная и мирская трактовки исторических событий в произведениях Навои, отсутствие систематизации событий, их отличия от современной науки историографии и источниковедения, характерные для традиций мусульманского Востока мемуарные

произведения, исторические сведения биографического характера, факт что история событий пишется по-разному по сравнению со временем пророков и знаменитых правителей, такие особенности, как наличие множества противоречивых интерпретаций, в произведениях, написанных на исторические сюжеты до произведений Наваи, и более поэтичность повествования событий были проанализировано и дано научное заключение в статье.

Ключевые слова: Алишер Навои, история, историография, исторические личности, историко-биографические сведения, названия историко-географических мест

Gulzoda A. Alimova

Kokand State Pedagogical Institute
senior lecturer, independent researcher

HISTORIOGRAPHY CHARACTERISTICS OF CREATIVITY ALISHER NAVOI

ABSTRACT

This article is about the great thinker Alisher Navoi's historiographical activity, which is beyond the scope of scientific research. The article contains descriptions of real historical data in a number of other works of the thinker, in addition to the artistic-figurative interpretation of historical events, historical figures and epics of historical-geographical place names, which still require in-depth scientific research. In this article, we have briefly explained the historical information presented. The divine and worldly interpretations of historical events in Navai's works, the lack systematization of events, their differences from the current science of historiography and source studies, memoir works typical of the traditions of the Muslim East, historical information of a biographical nature, the fact that the history of events is written in many ways compared to the time of prophets and famous rulers, the features such as the presence of many controversial interpretations, in the works written on historical subjects before Navai's works and the narrative of events being more poetic were analyzed and a scientific conclusion was given in the article.

Index Terms: Alisher Navoi, history, historiography, historical figures, historical-biographical information, names of historical-geographical places.

1. Долзарблиги:

Бу бобда улуғ мутафаккир Алишер Навоий тарихнавислигига хос хусусиятлари тадқиқига киришишдан олдин, жаҳон халқлари тарихи, тарихшунослик ва манбашунослик фанларига хос умумий хусусият ва муаммолар хусусида фикр билдиришни лозим топдик.

Негаки, тарихий воқеалар баёнлари оғзаки тарзда асотирлар, афсоналар, ривоятлар тарзида турли минтақа халқлари ва ровийларида бир ҳолда талқин қилинган бўлса, бошқа бирларида бошқача тарзда баён қилинган. Албатта, бундай муаммонинг турли хил сабаблари бор:

Биринчидан, тарихий воқеалар баёни бир минтақа халқларидан бошқасига етиб келгунича ўтган давр ва ижтимоий ҳаёт тарзи тил хусусиятлари туфайли тушуниш ва талқинларида фарқлар пайдо бўлиши;

Иккинчидан, тарихий ва мафқуравий манфаатлари туфайли ўз фойдаларига мослаштириш ҳоллари бу маълумотлардаги чалкашлик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқарганлиги;

Учинчидан, тарихий воқеалар хрониклогик жиҳатдан фарқи, тарихий жой номлари ва тарихий шахсларнинг номларидаги лисоний(тил) фарқлар;

Тўртинчидан, ёзма тарихий маълумотларни бир манбаадан кўчириш ёки ҳикоя қилиш жараёнида тарихнавислар, ҳатотлар томонидан лисоний тафоввут ва хатоликлар;

Бешинчидан, тарихий йил ҳисоблаш, йилномалар(календарлар)нинг бир-бирдан тафоввути. Хусусан, ҳозиргача ҳам дунёда 20 га яқин йилномалар мавжуд бўлиб, уларнинг бир-бирдан кескин фарқ қилиши.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Йилномалар ва календарлар вақтга дастлаб диний-мистик мафкура устуворлигидан келиб чиқиб, вақтни ўз худолари, пайғамбарлари, авлиёлари, сиёсий раҳнамолари таваллуди, фаолиятидаги муҳим воқеалар билан боғлаш урф бўлган. Масалан, Григорьян календари насроний дунёсида Исо.а.с.нинг таваллуд (мавлуд-милод-мийлод) дига нисбатан бошланган бўлса, мусулмон оламида ҳижрий йил ҳисоби, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг ҳижрат (кўчиш) ларидан, янги дунёда эса шимолий Кореяда миллат доҳийси Ким Чен Ирнинг таваллудидан йил ҳисобидан бошланган. Японияда эса бундан 3 йил олдин янги император тахтга келиши муносабати билан, “*янги эра*” бошланганлиги эълон қилинди. Бошқача айтганда, вақтни “*ўзиники*” қилиб олишга ўхшаш тенденциялар бор. Масалан: Яхудий календари, Тибет календари, Юлиан календари, ҳозир амалдаги насроний (григорьян) календари, мусулмон йилномаси умуман икки хил – қуёш ва ой йилнома бўйича олиб борилади. Бу ҳол эса умуман вақт ҳисобида аниқлик эмас чигаликка олиб боради. Ижтимоий тармоқда машҳур “Википедия” илмий нашрида йилномаларнинг вақтдаги фарқи кўрсатилган. Улар қуйидаги кўринишда (2020 йил ҳолати бўйича):

- Григорьян календари[1] бўйича – 2020 йил
- Юлиан - 2019-2020 (14 январь)
- Юлиан (Византия эраси асосида) – 7528-7529
- Рим календари асосидаги – 2772
- Яхудийлик (Еврейский) -5780-5781
- Мусулмон тақвими – 1441-1442 (Қуёш - шамсий)
- Эрон тақвими – 1398-1399 (Ой - қамарий)
- Қадимги арман календари - 4512-4513
- Қадимги арман черков тақвими – 4769
- Хитой тақвими – 4716-4717
- Эфиопия тақвими – 2012-2013

Қадимги ҳинд тақвимлари:

- Викрам самват – 2076-2077
- Шаке самват – 1942-1943
- Кали юга – 5121-5122
- Будда тақвими – 2563
- Голоцен тақвими – 12020
- Чучхе тақвими (Шимолий Корея) - 109
- Япония – Рейва (янги олам) бўйича - 2 йил ва ҳоказо[2].

Олтинчидан, тарихий воқеалар содир бўлган даврларнинг ёзма тарихий манбаларда ҳикоя қилувчи тарихнавислар яшаган даврлардаги катта фарқлари сабабли тарихий воқеалар, тарихий ва географик номлар ва тарихий шахслар номларидаги чалкашликлар, йўл қўйилган хатоликлар;

Еттинчидан, даслабки тарихий манбалар асосан бадий-мажозий услубда яратилганлиги ва ҳоказо.

Ундан ташқари, башарият тарихининг ибтидоий давр тарихини ёритиш мутлақо турли минтақалардан топилган ибтидоий манзилгоҳлардаги археология, палеонтологик, антропологик манбаларга асосан катта тахминлар асосида хулоса қилинади. Бу манбалар ва улар асосидаги хулосалар бўйича ҳам дунё тарихчи олимлари ўртасида яқдил илмий хулосалар бор деб бўлмайд.

Кўриниб турганидек, жаҳон халқлари тарихини ёритишдаги юқоридаги ҳолатлар нафақат бир мамлакат ёки минтақа халқлари тарихига хос, балки, глобал хусусиятдаги муаммолардан биридир.

3. Тадқиқот натижалари:

Алишер Навоий ижодини ўрганиш қарийб олти юз йилга яқин тарихга эга бўлиб, бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида минглаб илмий асарлар яратилди ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир илмий ижодий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни юқори баҳоланди. Алоҳида эътироф билан шуни таъкидлаш зарурки, мутафаккир ўз асарларида ўз

давригача бўлган жаҳон минтақалари, мамлакатлари, шу мамлакат халқи, шу халқларнинг машхур тарихий тарихий шахслари, шаҳарлари, уларнинг динлари ва бошқа эришган ютуқларини ҳам бадиий мажозий тарзда ҳам илмий-тарихий тарзда ёзиб қолдирган. Хусусан, қадимги шарқдаги Миср, Эрон, Хитой (Хито, Хитой, Чин ёки Чинмо-Чин), Ҳиндистон Арабистон ва Ғарб тамаддунининг тамал тоши ҳисобланган қадимги Юнон ва Ғарбнинг бошқа мамлакатлари тарихига оид маълумотлар баён қилинган.

XX аср навоийшунослик бўйича катта натижаларга эришган бўлиб, бу даврда асрнинг 60 йилларида мутафаккир асарларининг 15 жилдлик, 80 йиллар охири, мустақиллик даврида 20 жилдлик мукамлат асарлар тўпламлари жамлаб чоп этилди. Шунингдек, мутафаккир асарлари тилининг изоҳли луғатлари ҳам тайёрлаб чоп этилган. Шу ўринда Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти томонидан 1983-85 йилларда тайёрлаб чоп этилган 4 жилдлик Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатининг (АНАТИЛ) тўртинчи жилдида [3.634] берилган иловада мутафаккир асарларида келтирилган географик жой номлари, тарихий шахслар номлари ҳисоблаб чиқиб, алифбо тартибда берилган бўлиб, унда қуйидаги ҳолни кўриш мумкин:

- **257 та** географик, астрономик ва бошқа жой номлар;

- **177 та** машхур шахсларга оид асарлар номлари;

- **223 та** арабий бирикма ва ибораларнинг изоҳи ҳамда мазмуни талқини, яъни, мутафаккир асарларида фойдаланилган Қуръони карим оятлари ва ҳадислар таржимаси ва изоҳлари;

- **1042 та** тарихий шахслар номлари.

Лекин, бу иловада, айрим асарларида баён ва таъриф қилинган тарихий шахслар номлари тўлиқ киритилмаган. Хусусан, “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги 770 та машхур шайхларни номларидан айримлари киритилган ҳолос. Уларни аксарияти бу рўйхатга киритилмаган. Шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”да номлари келтирилган машхур шахслар номлари, йирик ижодкорлар, файласуф олимлар, уламоларни номлари ҳам тўлиқ берилмаган.

Биз шу ўринда Алишер Навоий асарларидаги тарихнависликнинг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтдик:

Биринчидан, Навоий асарларида тарихнавислик илоҳий ва дунёвий хусусиятларда талқин қилинганлиги;

Иккинчидан, инсоният тарихи Одам алайҳиссаломдан бошлаганлиги;

Бу ҳол Навоийнинг тарих илмига бағишланган икки асари “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “тарихи мулуки аҷам” да ҳам айнан Одам Ато (Абулбашар – одамзодни отаси) тарзида бошланган. Хусусан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, - “Одам салаватуллоҳ алайҳ хилқати Одамнинг кунияти Булбашардир ва лақаби Сафиюллоҳдир” деб бошланади. Навоий бу илоҳий ҳикматни Қуръони каримдаги илоҳий калималар билан исботлаб борган. Хусусан, “Хаммарту тийнати одама биядайя арабина сабаҳан”, яъни, Оллоҳнинг **“Одамни вужуди ва тийнати лойини ўз қўлим билан қирқ кун қордим”** деган илоҳий калимаси келтирилган [4.99].

Учинчидан, тарихнависликда илоҳиёт устиворлиги;

Тўртинчидан, ҳамма асарларининг бошланиши Оллоҳга ҳамд пайғамбарларга, хусусан, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.га наътлардан бошланганлиги;

Бешинчидан, тарихий ва афсонавий тарзда азиз авлиёларга дуои-хайрлар;

Олтинчидан, салафлар (пирлари ва устоз)ига дуои хайрлар;

Еттинчидан, тарихий воқеалар пайғамбарлар ва йирик подишоҳлар даврига нисбат олинганлиги;

Мутафаккирнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари худди шундай асардир. Асар икки қисмдан иборат:

1. Анбиё (набийлар)– яъни, пайғамбарлар тарихи.

2. Ҳукамо (ҳаким-олим)– ҳаким зотлар тарихи.

Асарда олтмишдан зиёд пайғамбар ва пайғамбар авлодларининг ҳаёти, таржимаи холини батафсил ёритилган. Шунингдек, мутафаккир, ўн уч нафар юнон ва форс олимлари хусусида қисқа маълумотлар бериб ўтган. Буларга: Лукмони ҳаким, Фишоғур (Пифагор), Жомосб,

Букрот (Гиппократ), Букротис, Сукрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), Балинос, Жолинус (Гален), Батлимус (Птолемей), Содик, Бузургмеҳрлардир[4.99-106].

Саккизинчидан, илмий асосланиши моддионлик (материалистик) эмас балки, пантеистик ёки теологик хусусиятда бўлиб, инсоният тарихи Худонинг мўъжизаси, инояти, пайғамбарлар тарихи ҳамда тарихда ўтган машҳур подшоҳлар замонида қиёсланганлик;

Шуни таъкидлаш лозимки, мутафаккирнинг **мутлақо ҳамма асарлари** Оллоҳга ҳамд, пайғамбарларга наът айтиш билан бошланади. Масалан:

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Аввалғи муножот” боби Оллоҳга муножот тарзида:

*Эй сенга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламязал.
Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга[5.13-14]*

“Садди “Искандарий” достоннинг биринчи бобида:

*Вужуд аҳлининг коми жудунг била,
Келиб жуд қойим вужудунг била.
Вужудунг қачон қилса зоҳир қидам,
Бўлуб борча ашё вужуди адам[6.11]*

деган байтлар, бутун коинот ва ерни яратган Оллоҳ ҳамди билан бошланган. Мазмуни: оламдаги барча ашёларнинг вужуди Сенинг вужудинг ва саховатинг туфайли пайдо бўлган. Асл вужудий қайюмлик, яъни борлик Сенгагина хос, қолган нарсалар фақат Сенинг зоҳиринг бўлиб, улар шунчаки шаклга эгадирлар. Бошқа ашёларнинг вужуди, адамга – йўқликка айланади. Сенинга мангу, қойуми мутлақ бўлиб қолаверасан, деган маънони беради.

“Лайли ва Мажнун” достони:

*Эй илмингга гайб сирри маълум,
Мавжудсен, ўзга борча маъдум[7.7].*

Тўққизинчи, археологик, атропологик, палеонтологик каби моддий манбаалар асосида эмаслиги;

Ўнинчи, тарихий йилномалар ва воқеалар хронологик кетма-кетлиги, изчиллиги тизими йўқлиги;

Ўн биринчи, тарихий воқеалар асосан ҳижрий ҳисобда, унгача бўлган даври пайғамбарлар ва ҳукмдорлар номига нисбатан олинганлиги;

Ўн иккинчи, асарларни ёзиб бошлангани ёки ёзиб тугатилгани абжад усулида ҳамда муаммо санъатига асосланган ҳолда берилган.

Масалан, “Маҳбубул қулуб”нинг якунида, асар ёзиб тугатилган сана **абжад ҳисобида** харфларда акс этган рақамлар билан муаммо санъати “Хуш” сўзида қўлланилган харфларни сондаги ифодаси бўйича 906/1500-1501 санаси назмийда кўрсатилган:

*Тарихи чу “Хуш” лафзидин ўлди ҳосил,
Ҳар ким ўқуса, илоҳи, ўлгай хушдил[8.78].*

Ўн учинчи, тарихий воқеалар, тарихий шахслар, тарихий-географик жой номлари баёнида кўпроқ бадий(поэтик) услуб устуворлиги;

Бу ҳол назмий услубда яратилган асарларидан ташқари, насрда ёзилган асарларида ҳам юксак санъаткорона ёзилгани билан бирга мутафаккирнинг шоирона даҳоси кўриниб туради. **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** асосий услуби насрий асар бўлгани билан шоир ундаги асосий боблар, йирик тарихий воқеалар хотимасини назмда келтиради ва хулоса ясайди. Масалан, айрим тарихий воқеалар хусусида тарихий ва илоҳий манбаларда тарихида жуда кўп ихтилофлар борлиги қуйидагича хотима қилинади:

*Тарих аҳлининг ихтилофи кўндир,
“Шаҳнома”нинг ул навъким лофи кўндир.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўндир,
Сен ёзгали ҳам нуктаи вофи кўндир[4.7].*

Ўн тўртинчи, Мутафаккирнинг тарихий баённинг ўша давр анъанасига хос – марсия, манокиб, ҳол (ҳолат ёки таржимаи ҳол), муншаот (иншо қилиш ёки мактублар), ёднома тарзида асарлар сифатида ёзиб қолдирилганлиги;

Алишер Навоий ўзининг учта устозларига бағишлаб уч ёднома – *манокиб* яратган. Шундай асарлардан бири Навоийнинг пири, устози Абдурахмон Жомий хотирасига бағишланган “**Хамсат ул-мутаҳаййирин**” (“Беш ҳайрат”) асари ҳисобланади[9.88].

Яна бир шундай асарлардан бири “**Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер**” манокиви[10.89-104].

Манокиб жанрига оид яна бир асар “**Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад**” асаридир[11.105-122]. Шунинг айтиб ўтиш керакки, Паҳлавон Муҳаммад ва Саййид Ҳасан Ардашерлар ҳазрати Алишер Навоий учун ҳам дўст, ҳам ота, ҳам устоз мақомида бўлган зотлардан бўлиб, бу шахслар мутафаккирнинг отасини жуда қадрдон дўстлари бўлганлиги ва ёшлари улуғ ва донишманд, ижодкор кишилар бўлган. Бу асарлар ва уларда номлари келтирилган шахслар хусусида тадқиқотимиз давомида ўрнига қараб батафсил маълумотлар бериб борамиз.

Ўн бешинчи, тарихий воқеъликни илмий тадқиқий мақсадда реал воқеалар тарзидаги баёни билан дostonларда бадий ва мажозий услуб баёнидаги фарқли жиҳатлари каби алоҳида хусусиятларни санаб ўтиш мумкин.

Яна шу жиҳатга ҳам эътибор қаратиш керакки, Навоий тарихий шахслар номлари ва улар хусусидаги маълумотларни илмий тарихий нуқтаи назардан талқин қилгани ҳолда уларни бадий ва мажозий тарзда дostonлар таркибида ҳам келтириб ўтган. Масалан, бунга ёрқин мисолни *Искандар* хусусида “**Тарихи мулуки ажамда**” реал тарихий шахс тарзида маълумот берган бўлса, “**Садди Искандарий**” дostonи уни бадий баёнини талқин қилган. Шунингдек, тарихий шахс, темурий шахзода ва улуғ олим Мирзо Улуғбекни номи “**Мажолисун нафоис**”да[12.282] темурий шахзодалар сифатида мемуар асар тарзида келтирилган бўлса, “**Фарҳод ва Ширин**”да[13.360] *Шоҳзариб мирзо*га насихат тарзида ажратилган бир бобда, олимнинг номи, фалакиёт илмидаги хизматларига юксак баҳо бериб ўтилган.

Ўн олтинчи, улуғ мутафаккирнинг ўзи, ўз даври машҳур шахслари хусусан, султон Ҳусайн Бойқаро, унинг фарзандлари, бошқа темурий шахзодалар, давлат ва дин ишига масъул амалдорлар билан ёзишмалари, мактубот тарзидаги тарихий аҳамиятга молик асарлари. “**Муншаот**” асари[14.131-220] Алишер Навоийнинг турли вақтда турли шахсларга йўллаган мактубларидан иборат тўплам бўлиб, мусулмон Шарқи иншо санъатининг туркий тилда яратилган юксак намуналаридан ҳисобланади. “Муншаот” ҳозиргача маълум бўлган 107 та мактубни ўз ичига олади.

4. Хулосалар:

Жаҳон халқлари тарихига оид тарихий маълумотларни тарихшунослик илмидаги жиҳатлари, улар билан боғлиқ тафовутлар, ихтилофлар, фарқлар ва умумийлик жиҳатлари, улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларида тарихий жараёнлар, алоҳида маълум ва маълум бўлмаган воқеалар баёнларини фақат мутафаккир асарлари тили, услуби, илоҳий ва дунёвий асослари, тарихий воқеалар хусусидаги маълумотларни бадий мажозий ва бевосита илмий тарихий таҳлиллари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларни туркумлашган тарзда айрим мисоллар билан келтирилганини хотималашимиз мумкин.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Алишер Навоийнинг ўзи йирик тарихий шахс сифатида башарият тарихида ном ва ўрин қолдирган экан, унинг ижтимоий ва сиёсий фаолияти, темурийлар салтанатидаги тарихий хизматлари ва яратган тарихий асарлари ҳам йирик тарихий воқеликлардир.

Яна шуни ҳам истардикки, башарти, Алишер Навоий ўзбек мумтоз тили ва адабиётини асосчиси экан, унинг тарихнавислик фаолияти ҳам ўзбек халқи ва Ўзбекистон тарихининг алоҳида қисми ва Навоий фаолиятига доир қисми алоҳида эътибор ва эъзоз билан ўрганилиши ва тарғиб қилиниши керак ва зарур.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Grigoriy taqvimi. https://uz.wikipedia.org/wiki/Grigoriy_taqvimi
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. 4 жилд Тошкент, “Фан” 1985. 634 б. (Annotated dictionary of the language of A.Navoi’s works.4 volumes.1 volume.- Tashkent:” Fan”, 1983. p.634).
4. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 16 т. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Т.: “Фан”, 2000. – Б. 99. Navai A. Collection of Perfect Works (Col.P.W.): 20 volume, 16 volume. Tarixi anbiyo va hukamo . Т.: "Fan", 2000. - p. 99.
5. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 7 т. Хамса: Ҳайрат ул-аброп . Т.: “Фан”, 1991. - Б. 13-14. (Navoi.A. CoPW:20 volumes. 7 volumes.Khamsa:Hayrat ul-abror.- Tashkent:” Fan”,1991. pp.13-14).
6. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 11 т. Хамса: Садди Искандарий. - Тошкент: “Фан”, 1993. – Б. 11. (Navoi. A. CoPW:20 volumes. 11volumes.Saddi Iskandari.- Tashkent:” Fan”, 1993. p.11).
7. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 9 т. Хамса: Лайли ва Мажнун. - Тошкент: “Фан”, 1992. – Б. 7. (Navai A. Col.P.W.: 20 vol. 9 vol. Khamsa: Layli va Majnun. - Tashkent: "Fan", 1992. – p.7).
8. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Махбуб ул-қулуб . Т.: “Фан”, 1998. – Б. 78. (Navai A. Col.P.W.: 20 vol. 14 vol. Mahbub ul-Qulub. Т.: "Fan", 1998. – p.78).
9. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 15 т. Хамсат ул-мутахаййирин. Т.: “Фан”, 1999. 7-88 б. (Navai A. Col.P.W.: 20 vol. 15 vol. Khamsat ul-mutahayirin. Т.: "Fan", 1999. pp. 7-88)
10. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 15 т. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Т.: “Фан”, 1999. 89-104 б. (Navai A. Col.P.W.: 20 vol. 15 vol. Holoti Sayyid Hasan Ardasher. Т.: "Fan", 1999. pp.89-104).
11. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 15 т. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Т.: “Фан”, 1999. 105-122 б. (Navai A. Col.P.W. : 20 vol. 15 vol. Holoti Pahlawan Muhammad. Т.: "Fan", 1999. pp.105-122).
12. Навоий А. МАТ: 20 томлик. Мажолисун ун-нафоис. МАТ. 13 жилд. Тошкент, 1997. – Б. 282. (Navai A. Col.P.W.:20 vol. Majolisun un-nafais.Col.P.W. 13 volumes . Tashkent, 1997. - p. 282).
13. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 8 т. Хамса: Фарҳод ва Ширин . Т.: “Фан”, 1991. 360 б. (Navai. A. Col.P.W.: 20 vol. 8 vol. Khamsa: Farhad va Shirin. Т.: "Fan", 1991. p.360).
14. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т. Муншаот . Т.: “Фан”, 1998. 131-230 б. (Alisher Navoi “Munshaot” CoPW:20 volumes. 14 vols. -Tashkent: FAN, 1998. p. 218).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000